



Муроджоннинг қобилияти ҳаммани ҳайрон қолдирарди. Ўқиш, ёзишни, математик амалларни бошқа тенгдошларига нисбатан тезроқ ўрганди. Ўқитувчиларини ажаблантириб, ўзидан юқори синфга тегишли дастурни бемалол эплай олди. Шу сабаб ҳам тўққиз ёшида у олтинчи синф ўқувчиси бўлди. Яқинда Муроджоннинг уйида яна бир қувончли воқеа юз берди, у Ўзбекистон Республикаси Президентига мактуб ёзганди. Байрам арафасида жавоб мактуби олди.

Муроджон Президентга шундай деб ёзганди:

“Ассалому алайкум, ҳурматли Президентимиз Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов!

Сизни Республикаимиз Мустақиллигининг бир йиллиги билан таб-

риkläйман.

Сизга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилайман.

Сиз бизнинг ота-онамиз бағрида тинч ва осойишта яшашимиз, ўқиймиз учун кеча-кундуз тинмай ҳаракат қилиясиз.

Сизни таърифлаш учун шоирларимиз айтгандай, ўзимиздаги сўзлар хазинасининг мулки етмайди.

Агар керак бўлса, жонимни ҳаля қилай десам, бу кичкина жоним етмайди.

Бериб, тинмай ўқиб, ўрганиб, узоғи билан ўн икки-ўн уч ёшимда ўн биринчи синфни тамомлаб, олий ўқув юртига кираман.

Насиб этса, тамомлаб, Республикаимиз Мустақиллигини мустаҳкамлаш учун бор кучимни, билимимни аямайман.

Салом билан

Мурод Мирзо ШАРИФЖОН ўғли“.

Президентнинг жавоб мактуби, дастхат ёзилган “Ўзбекистоннинг ўз

Муроджон! Сен эришилган натижалар билан кифояланиб қолмаслигингга, мактаб дарсларини бундан бўён ҳам чуқур билиб боришингга, дунёга Улутбек, Абу Али ибн Сино, Ал-Беруний, Ал-Хоразмий каби ва бошқа ажойиб олим, мутафаккирларнинг ёрқин намоёндаларини етиштириб берган гўзал ўлкамиз ва унинг халқи тарихини ўрганишингга ишончим комил.

Муроджон, сенга ўқинида янги ижодий муваффақиятлар тилайман ва Ўзбекистон Мустақиллигининг бир йиллиги байрам қилиниши муносабати билан тантаналарга таклиф этаман.

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ КАРИМОВ“.

Муроджоннинг ўқинидаги муваффақиятлари фақатгина унинг ота-онасини эмас, балки барчамизни севинтиради. Чунки у каби истеъдодли, қобилиятли болалар келажагимиз давомчилари бўлишади.

Бутун уларнинг қизиқишларини қондириш, билимларни чуқур эгаллашлари учун эса барча шароитлар яратилмоқда. Фақатгина Муроджон ва муроджонларни қўллаб-қувватлашимиз, уларга ишонишимиз зарур ва қўллаб-қувватлаймиз ҳам.

СУРАТДА: Муроджон Мирзо ШАРИФЖОН ўғли.

Р. ШАРИПОВ суратга туширган.

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ ЁЗГАН БОЛА

Шахсан мен Сизнинг болалик, ўқувчилик йилларингиз ҳақида кўп нарсаларни билгим келади. Ўйлайманки, Республикаимиздаги барча ўқувчилар ҳам Мустақиллигимиз асосчиси бўлган ҳимоячимиз, Сиз ҳақингизда билишни истайдилар.

Мен ҳақимда билмоқчи бўлсангиз, эндигина тўққиз ёшга тўлдим, лекин олтинчи синфда ўқийман. 1989 йили Тошкент шаҳридаги 84-мактабнинг биринчи синфига ўқишга бордим, яхши ўқиганим учун мени учинчи синфга кўчиришди. 1991 йилда эса учинчи синфдан бешинчи синфга кўчиришди.

Республикаимиз Мустақиллигининг бир йиллик байрамини нишонлаш арафасида Сизга ўқувчилик ваъдамни

истиқлол ва тараққиёт йўли“ китоби, Мустақиллик кунининг бир йиллиги тантаналарига таклифномаларни, “Наврўз“ Республика хайрия жамғармаси томонидан тайёрланган совға-саломларни Президент Девони масъул котиби Муҳаммаджон Раҳмонов Муроджонга топширди.

Жавоб мактубида Ислоҳ Абдуғаниевич шундай деб ёзганди: “Муроджон!

Хатингни эътибор билан ўқиб чиқдим. Мактабда эришган муваффақиятларингиздан хурсандман. Синфдош ва мактабдош ўртоқларинг билан дўстона муносабатлар ўрнатганинга, уйда эса ота-онангга яхши кўмакчи эканлигингга ишонаман.

ҚАЛБИНГИЗДА ГУЛ УНСИН!

Қадрли ўқувчилар! Мустақил Ўзбекистонимизнинг навниҳоллари! Кунини-кеча серқуёш Республикаимиз фуқаролари қатори Сиз ҳам Мустақиллик кунини байрам қилиб, янги ўқув йилини бошлаб юбордингиз. Хурлик ва озодлик нафаси синфхоналарингизга кириб келди.

Кунлар келиб улғайиб, камолотга эришганингизда мен Мустақиллигимизнинг бир йиллиги тантанасида қатнашганман деб келажак авлодларга ҳикоя қилиб берасиз. У кунларнинг жамоли бошқача бўлади.

Илму фан, маърифат бешиги бўлган Ўзбекистонимиз эндиликда жаҳонга юз тутди. Шундай диёр борлигини дунё халқларига танитди. Ўз байроғи, ўз герби (туғроси)га эга бўлди. Сизни жони-дилидан ардоқловчи бир вазинингиз сифатида айтмоқчиманки, юртимизнинг тараққиёти сизга ҳам боғлиқ. Мустақиллик пойдеворини ота-боболарингиз қўйиб берган бўлса, Сиз унинг осмон ўпар устунларини тиклашингиз даркор.

Кундалик каму кўстлар, майда-чуйда нолишлар гирдобиди ўралашиб қолманг. Бош вазифингиз ўқиш экан, уни аъло даражада бажаринг. Озод юртга қалби пок, нияти улуг, жаҳон майдонига дадил чиқиб, тиллашадиган билимдон фарзандлар керак. Шу йўлдан боришингизга ишонаман.

Муррак юрагингизда фахр, ифтихор гуллари унсин. Эсингиздан чиқмасинки, байроғимиз, гербимиз, яратилажак гимнимиз (мадҳиямиз) абадул-абад ўзимизникидир. Улар бизни дунёга танитувчи тимсолларимиз. Ана шу туйғу билан фанлар оламига кириш. Тўққиз ой давом этадиган ўқишнинг бирор дақиқасини бекор ўтказманг. Бу кун Мустақил Ўзбекистонга чин билимдонлар, садоқатли фарзандлар керак. Келгусида бу заминнинг эгалари сизлар бўласиз. Ана шу гурур билан қад ростлашингизга ишонч билдираман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик тилаб:

Ж. ЙЎЛДОШЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири.



УЗОҚ КУТИЛГАН БАЙРАМ

1 сентябрь бу йил ўзгача тантана қилинди. Қўшалок байрам... Биринчи синфга илк бор қадам қўйган ўқувчи сингари Республикаимиз ҳам Мустақиллик байроғи остида бир йил давомида одимлаб борди. Бунга байрам қилмай бўладими?!

Мактаблар, майдонлар, кўчалар безанган. Ҳар томонда Мустақил Республикаимизнинг байроғлари ҳил-пирайди, неча йил давомида қутилган ва ниҳоят, ниятлари ушланган кишилар шодон. Қўшиқ янграйди, табриклар эшитилади. Мактабларда ҳам шодонлик. Бутун бу ерда ёзи таътилдан дам олиб қайтган ўқувчилар Мустақиллик кунини нишонламоқдалар. Ўқитувчилар болалар билан истиқлол, унинг истиқболи ҳақида суҳбатлар ўтказишмоқда, келажакимиз, эртанги кунимиз режалари ҳақида фикрлашмоқда. Режаларини эса фақат билимларни мустаҳкам эгаллаш билангина амалга ошириш мумкинлигига иқдор бўлишмоқда. Ҳа, узоқ кутилган байрам бу — Мустақиллик кунини, Билимлар байрамини.

СУРАТЛАРДА: Билимлар кунини Тошкентдаги 146-мактабга биринчи бор қадам қўйган ўқувчилар У. Қудратов, Д. Хантов ва С. Абдуллаевнинг юқори синф ўқувчилари қутланмоқда.

Мустақиллик кунини байрамни тантаналаридан лавҳа.

Р. АЛБЕКОВ ВА С. МАҲҚАМОВ суратга туширишган.

Яқинда пойтахтда Тошкент шаҳар Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг ташаббуси билан Дўстлик фестивали бўлиб ўтди.

ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Йилларда борилган ишларнинг жуда кўпи инкирозга юз тутган бўлса-да, байналмилал дўстлик клубларининг фаолияти сўнгани йўқ ва у сўнмайди ҳам. Фестиваль ишига йиғилганлар худди шу хусусда сўзладилар. Улар байналмилал клубларининг фаолиятлари ҳақида, ўзаро олиб борилаётган дўстлик алоқалари тўғрисида тажриба алмашишар экан, бундан кейин БДКларнинг Халқаро Ассамблеясини ташкил этиш кераклигини муҳокама қилишди. Фестиваль иштирокчилари ўз дўстлари — ўзбек хонадонларида

бўлишди. Уларнинг яшаш турмушлари, ҳаётларини кўришди. Шарқ бозорларини айланишди, ўзбек тўйларида меҳмон бўлишди. Самарқанд обидаларини томоша қилишди.

Фестивалнинг охириги йиғилишида минсклик делегатлар дўстлик дунёда ҳар қандай кучдан устун эканлигини айтиб ўтишди. Тез кунлар ичида эса Байналмилал дўстлик клубларининг Халқаро Ассамблеясини ташкил этиб, уни бошқа шаҳарларда, шу жумладан, Москвада фаолият кўрсатаётган Халқаро Ассамблея билан бирлаштириш муҳимлиги таъкидланди.



Ўзбекистон Республикаси шодиналарга бурканган шу кунларда пойтахтда яна бир қизиқарли, фойдали тадбир ўтказилди.

Уни тадбир дейиш унчалик ҳам тўғри бўлмас, чунки бу сўз аввалги йилларда амалга оширилмагану, лекин мактов ва олқишларга сазовор бўлган ишлар ҳақида айтиларди. Бу сафар эса Тошкент шаҳар Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг ташаббуси билан Дўстлик Фестивали ўтказилди. Фестиваль ишида Россия, Корелия, Беларус, Латвия республикаларидаги ўсмирлар клублари ва ўқувчилар уйлари қошида фаолият юритувчи Байналмилал дўстлик клублари аъзолари иштирок этишди.

БДК клубларининг фаолияти сўнгган деганлар адашадилар. Аввалги



Меҳмонга бора-м-а-н!

Р. Албеков туширган сурат



КЕЛГУСИ

СОНДА:

Ш. Суннатов

«Кечиришнинг

паноҳида

яхшилик улғайсин»

Тенгдошларинг

ижодидан

1992 йилнинг 25 ЯНВАРИ.

Изгириннинг захридан кўчага чиқиб бўлмайдди. Эрталабдан Рометанга қандай бориб келиш ҳаракатида ўйланиб юрган турмуш ўртоғига Самандар ака таскин берди:

— Сезиб турибман. Суннатингни соғиниб қолибсан. Олиб келсам дейсан. Хавонинг авзойи бунақа бўлмаганда-ку... Сенга қараб ўтирмай, ўзим отланардим. Бироқ, оғиздаги тупик яхлайдиган кунда бола йўл азобида қийналади. Шамоллаб қолса, устига-устак азоб. Келгуси ҳафтагача сабр кил, кунлар бироз исир... Интернатда ҳам ёлғизлатишмас, энагалари, навбатчи тарбиячилари бўлади. Улар ҳам тушунишади. Ҳеч ҳам оч, қаровсиз қолдиришмас.

Қаҳратонни қаргаб ўтирган она бу далдали гапдан кейин ноилож қолди.

Эртаси куни — 1992 йилнинг 26 ЯНВАРИДА содда ва кўнгли тоза ота-она ҳеч нарсадан хабарсиз кунни кеч қилишди. Ўғил ўқийдиган Рометан тумани 26-махсус ерданчи мактаб интернатида эса...

Шу куни уйлари узоқда бўлган, Суннат Исмоилов сингари 18 нафар бола интернатда қолишганди. Эрталаб тарбиячилар Ботир Ғозиев ва Н. Абдурашитовдан навбатчиликни ёш тарбиячи Сайёра Салимова қабул қилиб олди. Кўп ўтмай у билан бирга навбатчиликни ўтовчи ўқитувчи-тарбиячи Бахшулло Носиров ҳам келди. Бу пайтда фаррош Гуландом Ҳалимова сабоқдан бўш ўқув биноси хоналарини обдон ювиб юрар, қоровул Жамол Ниёзов хонасидан кўчани томоша қилиб ўтирарди. Яқшанба кунлари болалар ҳолидан хабар олиш юкланган интернат тарбиявий ишлар мудири — бош шу тарбиячи Рашид Закиевич Гарифулин ҳам шу ерда эди.

Соат 11 ларга яқин Сайёра Салимова назоратида ўтирган болалардан икkitаси — Суннат билан унинг қоровулбозорлик (Олот тумани) группадони Рустам Матмуродов хожатхонага бориб келишга изн сўрашди. Болалар узоқ қолиб кетганидан Салимова хавотирланиб ўтирганида хонага Гарифулин кириб келди. Сайёра унга хавотирини айтди. Бош тарбиячи болалар, рўйхатига кўз ташлаб, улар бугун неча нафарлигини суриштирди. Кейин Б. Носировни чақириб, навбатчиларга Суннат билан Рустамни тез топишни буюрди. Салимова интернат ичи, бино атрофини қаради. Носиров эса икки нафар катта ёшли тарбияланувчилар билан Рометан автовокзалига борди. Чунки дарсдан қочган, рухсатсиз уйга кетмоқчи бўлган болаларни кўпинча шу ердан топиш мумкин эди. Лекин у ёқда ҳам, бу ёқда ҳам уларни топа олмадилар. Интернатга қайтиб, ўқув биносига иккинчи бор кирганларида эса Рустамнинг кўзларида ёш, унга Гарифулин дағдага қилиб ўтиргани устидан чиқдилар.

Бош тарбиячининг айтишича, Рустам Суннатни урган, у интернат ховлисидан чиқиб, қаёққадир ғойиб бўлган. Бош тарбиячининг кўрсатмаси билан Салимова Света исмли таниши билан Пешку туманига кетадиган йўллари қарадилар. Носиров вилоят марказий автовокзалига йўл олди. Бир соатдан кўп вақтдан кейин Суннатни тополмай Бухоридан қайтган Носиров бош тарбиячини интернатдан чиқиб кетаётганида учратди. Салимова эса ҳали ахтаришдан қайтмаганди... Кўп ўтмай у ҳам Суннатдан дарак тополмай қайтиб келди.

27 ЯНВАРЬ душанба куни Салимова Суннатнинг уйига — Когон тумани, Когон давлат хўжалигидаги Уйрот қишлоғига жўнади. Уни уйига кетиб қолган дея тахмин қилгандилар. Тарбиячи аввал ҳеч бу ёқларга келмаганлигидан Суннатларнинг уйини қишлоқ ижроия кўмитасидан суриштирди. Бунда унинг янгиси ишларкан. Тарбиячини етаклаб ўзлариникига олиб борди. Суннатнинг отаси Самандар ака ҳам нима иш биландир акасиникида ўтирарди.

Суннат қаҳидаги тарбиячининг нохуш хабари унинг юрагига ханжардек ботди. Бироқ, ўзини вазмин тутди. Турмуш ўртоғига билдирмай, Рометанга учиб кетди...

Шум хабарнинг қаноти бор. Кечкурунга яқин бечора она ҳам жигаргўшаси беиз йўқолганидан хабар топди. Чунки хонадонга

ёприлиб келаётган қариндошларнинг Суннатни суриштиришларидан кўнгли бир нарсани сезди. Уйга шомга яқин бир аҳволда қайтган эрига илҳак термулди. Эр ёрилди...

Хонадонда шу кундан бошлаб ҳаловат, тинчлик йўқолди. Ғам оралади. Ота давлат ишини унутди, она рўзгорига қарашни. Ҳаёт издан чикди. Ахир улар Суннатни не азоблар билан улғайтираётган эдилар-да. Бу ўн бир йил уларнинг матонат, фидойилик йиллари эди. Улар барча азобларга рози, фақат шу фарзандлари ҳам бошқалари қатори кам-

(Когон темир йўл участкаси милиция ходими) Исмоиловлар билан интернатга кириб келишганда ҳаммаёқ осуда, бунда Суннатнинг йўқолгани билан гўё ҳеч кимнинг иши йўқ эди... Улар Рометан тумани ички ишлар бўлимига яна хабар бермоқчи бўлишди.

Йўлда, милицияхонага қараб кетар эканлар, ҳали замон интернатда кўрганлари—бош тарбиячи Гарифулинга дуч келишди. У ҳам интернатдан келар, қўлида каттагина, оғзи зич сумка бор эди.



кўстсиз улғайишини худодан тилаб, жонлари ҳалак юрардилар. Чунки улар 7 фарзандни улғайтиришда Суннатни сонга солишчалик қийналишмаганди. Суннат оиланинг Зебо билан бирга эғизак туғилган олтинчи фарзанди, қўшалоқ севинчи бўлиб дунёга келганди. Бироқ, Зебо 3 килодан ортиқ бўлгани ҳолда, Суннат 1,700 грамм туғилди. Вврачларнинг айтишича, она корнида қисилиб, ривожланишдан ортда қолган экан. Шундан унинг ота-онага келтирган ташвиши алоҳида бўлди. Жимитдай мурғак ҳатто аввалига онасини ўзи эмолмади. Унга чой қошиқда сут берилган 40 кунни ҳаёт ва ўлим оралиги деса бўларди. Боласи нобуд бўлишидан чўчиган онага ота далда берар, ўзи эса бу митти ўғлининг эртасини кўнглидагидек тасаввур қилолмай руҳан эзиларди. Вврачлар ҳам сайъ-ҳаракатингиз туфайлигина бола соғайиб кетиши мумкин, бўлмаса ногирон бўлиб қолади, дердилар.

Боласини ногирон ҳолда кўриш — ота-она учун сўнгсиз руҳий азоб, бир умрлик жазо. Бунга ўзининг айбдор хис қилиб, жони-жаҳонинг қоронғу бўлиб юради. Самандар ака билан Зухра опа бунга қарши аёвсиз жанг бошладилар. Суннатга улар айрича меҳр қўйиб, бўлақча парваришлаш, тарбиялашга киришишди. Катта бўлган сари она унга алоҳида, серқувват таомлар тайёрлаб берар, ота эса ишга кетгунича у билан бирга бадан-тарбия қилар, югурар, югуртирар, ишдан кейин ҳам у билан томоркага бирга чиқиб кетарди.

Ҳаракатлар натижасиз қолмади. Суннат кеч юрган бўлса-да, чаққон бўлиб борди. У ҳар эрталаб 1—2 чақиримча югуриб келар, отаси ховлида ясаб берган турникда аввал қийналиб, кейинча ҳавасланиб машқ бажарадиган бўлди.

Бироқ, ўзлаштириши мактагулик эмасди. Шу боис 1-синфни битиргач, бундай болаларни ўқитишда махсус тайёргарлиги ва тажрибаси бор билим ўчоғига таклиф этилди. Бу эса 50 чақиримлар олисдаги Рометанда жойлашган 26-махсус ерданчи мактаб-интернати эди...

...Ота-она бир ҳафта ўзларини йўқотиб, жигаргўшасини изладилар. Хунбағирларга қариндошлар кўшилишди. Улар ҳар куни ўн-ўн беш киши бўлиб интернат атрофини излашар, Рометан туманидаги ариқ ва зовурларга қарашар, йўллар ва қишлоқлардан суриштиришар, эшитган фолбинга чопардилар. Уларнинг назаридан вилоятдаги ўликхона ва касалхоналар ҳам қолмади. Вилоят радиосидан эълон ҳам қилишди. Милицияга қайта-қайта хабар бердилар.

Кейинги душанба — 3 ФЕВРАЛЬ тонгда С. Исмоилов икки жияни — Насриддин (Когон совхози ишчиси) ва Фахриддин

Улар тўхтаб, Гарифулинни кутишди. Юзма-юз келганда у негадир ерга қараб, ҳам қизариб, тутилиб, қаёққа кетаётганини баён қилди.

Исмоиловлар унинг қонсиз юзига эътибор беришди-ю сумкасига парво қилмадилар... Йўлларида давом этдилар. Ортга қайтувларича эса, йўл, милициядагиларга тушунтириш, тушлик қилиш билан 2-3 соат ўтиб кетди.


Интернат қоровулхонасига яқинлашишаркан, узоқдан ёнда ёйиб қўйилган нарсалар уларнинг назарини тортди. Улар боланинг телпаги, костюм ва ботинкаси эди. Кийимлар Суннатникилигини билган ота бечоранинг юраги қинидан чиқиб кетди. У кийимларни бағрига босиб, кўзларидан шошқатор ёшлар оқиб, интернат томон югурди. Йўл қолиб, панжара тўсиқдан ошиб ўтаркан, қаттиқ йиқилиб тушди. Қаттиқ зарбнинг оғригига парвосиз, яна тура солиб югурди...

“Суннатжоннинг нарсаси топилди, ўзи ҳам шу атрофда, ишқилиб тирик бўлсин-да”. Кийимларнинг ҳолати хайрон қолдиради эди. Суннатнинг йўқолганига 8 кун ўтсада, улар қуп-қуруқ, ҳозир кимдир бу ерга ёйгандек эди. Ахир орада қор ёғди, шунча кун ўтди. Ярим соатда ҳар нарсани титқилаб ташлайдиган қоровулнинг ўйинқароқ ити ҳам хабарсиз қолган...

Самандар Исмоиловни интернатда бош тарбиячи Гарифулин қарши олди. Далда бергандек бўлди. Ва юраги сўнгсиз қуяётган отани четга чақириб деди:

— Рустам билан гаплашмоқчи эдингиз. Юринг, у “хулиган”ни адабини берганимдан кейингина ҳаммасини айтиб берди. Ўзидан эшитинг.

Рустам бош тарбиячининг хонасида ҳиқиллаб ўтирар, Рашидни кўриб, яна танига қалтироқ кирди. Ранги ўчди. Гарифулин уни бир-икки тушириб, ўша кунги воқеани айтиб беришга мажбур қилди. Тилга киргизди. Рустамнинг чала, Гарифулиннинг давом эттирган гапидан базур Рустам Суннатни уриб, кийимларини ечиб олганини, шундан кейин Суннат Когон автобусига чиқиб қочганини англаш мумкин бўлди. Лекин Рустамнинг минг азоб билан бошлаган гапини Гарифулиннинг шошқин давом эттириши, воқеа иштирокчисидек ҳикоя қилиши галати эди. Унинг бу қилиги Исмоиловга шубҳали кўринди.



Шу кунни Самандар Исмоилов уйини тамом унутди. Қоронгигача интернат атрофини қараб юрди. Гўё атрофдан боласининг овози келарди: "Дада, мен бу ердаман-у нахотки кўрмаётган бўлсангиз!"

У жиянлари билан Рометан меҳмонхонасида ётиб қолди.

4 ФЕВРАЛЬ тонг саҳарлаб яна интернатга келганларида биринчи кўрган одамлари Гарифулин бўлди. Улар айланиб-айланиб интернатдан ярим

ура кетди. Зарбаларнинг бирида Суннат полга йиқилди ва бир-икки қимирлаб, кўзи юмилиб қолди. Бунни кутмаган Рашид Закиевичнинг ранги-кути ўчди. У ўз хонасида мени устимдан қуфлаб, Суннатни кўтариб, қайгадир кетди. Анчадан кейин қайтиб келиб, яна мени калтаклади. Кўрганларининг айтсанг, сени ҳам ўшандай қиламан, деб роса кўрkitди".

Суннатнинг отаси ва

тўсатдан келиб тинтув қилса, Суннатнинг кийимлари топилишидан чўчиб, уларни йўқотиш пайига тушади.

Ўша кунни, яъни 3 февраль эрталаб ўнларга яқин милицияхонага кетаётганимизда тўсатдан олдимиздан чиқиб қолган Гарифулиннинг тутилиб гапиргани, бирдан юзидан қон қочганлиги сабабини энди англаб турибмиз. Ўшанда унинг сумкасида Суннатжоннинг пальтоси бўлган ва биз сумкани текшириб қолишимиздан жуда кўрқиб кетган. Афсуски биз... Қайтиб келганимизча эса қолганларини қоровулхона ёнидаги кўринадиган жойга ёйиб, навбатдаги тўқима айбни Рустамга таққан. У ўшанда ҳам Суннат топилмаслигига ишонган. Шу боис ҳам Рустамдан ҳали қотил "ясалмаган", вазият тоқозосидан бир "айби"га иккинчиси қўшилган.

Эртаси кунни Суннатнинг жасади топилганда эса Гарифулиннинг энди Рустам Матмуродовни қотилликда айблаши унинг жиноятни қилиб, жазодан қутилиб қолиш йўлидаги уйдирмаларининг энг юқори нуқтаси демоқ керак...

Агар бу далил ва таҳминлар биргина фарзанд доғида куйган ота-она ва қариндошларнинг куюниб айтган гаплари бўлганда, уларнинг кўпига ишонмаслик, бошқача фикр юритиш лозим бўларди. Бирок, ўша кунни навбатчиликда бўлган тарбиячи-ўқитувчи Сайёра Салимова ва Бахшулло Носировларнинг кўрсатмалари, фаррош Гуландом Ҳалимованинг гапи, тарбияланувчи Рустам Матмуродовнинг гувоҳлиги II ешлик ўспириннинг умрига ким зомин бўлганига Исмоиловлар даъвосини қувватлайди.

Б. Носиров:

"Ўша кунни II ларда хожатхонадан қайтаётган Суннат билан Рустамга интернат тарбиявий ишлар мудир Рашид Гарифулин учраган".

С. Салимова:

"Болалар кечикканидан хавотирланиб ўтирганимда хонага Рашид Закиевич кириб келди. Неча бола қолганлигини сўраб, рўйхатни қаради ва уларни ахтаришни буюрди. Биз интернатдаги ҳамма очик хоналарни, ташқарини кўриб чиқдик. Қайтиб келганда, эса эшик олдида хафа ўтирган Рустам Матмуродовга дуч келдик. Биз интернат биноси ичида болаларни ахтарганда у Гарифулиннинг хонасида устидан қуфлик ҳолда ўтирган".

Фаррош Гуландом Ҳалимова:

"Олдинига бу кимнинг иши эканлигини айтишга кўрқдим. Бирок виждоним кундан-кунга қийналиб, ётиб ҳам қолдим. Бу қотиллик Рашид Гарифулиннинг иши. Ўша кунни залда пол ювар эканман, Суннат Исмоилов ва Рустам Матмуродовларни у ўз хонасида олиб кириб, урганлигини

ёшитгандим. Бирок, бунчалик ваҳшийликка боради, деб ҳеч кутмагандим".

...Орадан 9 ой ўтиб борапти. 9 ойдан буён бир бегуноҳ мургак қурбоннинг руҳи чирқирайди, она-отанинг юраги ёнади. Опа-акаси, қариндошларининг дили вайрон, ҳақиқатга ишончи вайрон.

Бу фожеа юзасидан иш бошлаган Рометан тумани прокуратураси ҳам ишни ачиқ ичакдай 8 ойга чўзди. Тергов бир терговчидан иккинчисига ўтказиб келинди. Қизиги, Суннат Исмоиловнинг қотили деб даъво қилинган Р. Гарифулин Рометан тумани суд-прокуратура ходимлари томонидан бу фожеага умуман дахилсиз деб топилди. Рустам Матмуродовга тан жароҳати етказгани учун эса туман суди уни 3 йил назоратдаги очик хизматга ҳукм қилди. Бунинг ўзи Р. Гарифулиннинг Суннатнинг ўлимида дахли, айби борлигини кўрсатмайдими?

Майли интернат тарбиявий ишлари мудир Р. Гарифулинни оппоқ, айбсиз дейлик. Лекин ҳаётдан кетган ўспирин фожеасига бунда ким жавоб беради? Интернат директори Музаффар Эргашев ҳам ими-жимиди бошқа жойга ишга ўтиб кетди. Ҳозир директор вазифасини бажариб турган Ҳаёт Салоев эса фожеа юз берганда касалхонада экан...

Хуллас, Рометанда бу фожеа айбдорини топишга олмади. Ҳозир уни Бухоро шаҳар, Ф. Ҳўжаев тумани прокуратураси кўрмоқда. Эндигина фожеа сабабларини ўрганишмоқда. Бундай ҳолатни кўриб ҳаёл оғир ўйларга уланади. Нахотки, ваҳшийларча ўлдирилган С. Исмоиловнинг қотили жазосиз қолса, қотиллик изини келатган кунлар ҳовури ёпиб юборса?! Бундай бўлиши мумкинми?! Агарда ҳуқуқ-тартибот, прокуратура-суд ходимлари ишга юзаки қараб, "ўлган-ўлди" қабилида иш туттишса, шундай бўлиши мумкин. Бирок бунинг оқибати жуда дахшатлидир. Жазосиз қолдирилган жиноят бошқаларни ҳам жиноят қилишдан кўрқмаслик, бу тузумнинг ҳуқуқ-қонунларини сариқ чақага олмасликка олиб келади. Ҳеч кимда бу жамиятга ишонч қолмайди. Лекин ҳақ бор, ҳақиқат қиличи бор. Қотилни барибир бегуноҳ ўспириннинг қони тутатади.

В. ФАЙЗУЛЛАЕВ,

"Тонг юлдузи" махсус муҳбири.

ҚОТИЛЛИК

чақиримга етар-етмас жойда жойлашган сувни тозалаб, хлорлаб берувчи насос олдида бордилар. Унда тиккасига 12 метрлик 2 та труба ўрнатилган, бирининг оғзи қавшарли ёпиқ, иккинчисиники челақ оғзича кенгликда очик эди. Унинг остига қарадилар. Нимадир борга ўхшайди...

Шу ўртада, улар ортидан юрган, Гарифулин 20 метрлар олисдан чақирди.

— У еқда бўлиши мумкин эмас. Келинлар, яхшиси нонушта қилиб олинлар. Кечадан буён туз тотганларингиз йўқ.

Улар бош тарбиячига эргашишди. Нонушта пайти труба ичида нимадир қорайиб турганлигини, уни олиб кўришни гапирдилар.

— Олиб бўлмайдик. Кучук-пучукнинг жасади-дир-да, — деди бош тарбиячи. Директор эса Суннатнинг отасини ўз машинасида Чоржўйдаги машҳур фолбинга олиб бормоқнинг ҳаракатига тушди. Самандар ака бир пиёла чой ичар-ичмас жиянларига буюрди:

— Ҳозир бориб ўша трубанинг ичидагини олиб кўринлар. Нима бўлса ҳам, бўлмаса бу алағда кўнгил жойига тушмайди!

...Бир пайт қайнукаси билан жиянлари йиғлаб келишди...

— Амакижон, Суннат топилди, фақат бир кўрсангиз эди... унинг ҳолини... Ваҳшийлар...

Улар труба тагидан қийнала-қийнала тортиб олган жасад — Суннатнинг ўлиги бўлиб чиққанди. Тўққиз кундан буён сувда ётган жасад шишиб кетган, кўриниши юрак эритар аҳволда, фақат ич кийимда эди. Бу тор оғизлик трубага у уст кийимлари билан сиймагандан кейин...

Ҳаммаёқни милиция ходимлари босиб кетди. Ўликни суд-медицина кўригидан ўтказган врач қотил С. Исмоиловни аввал ўлдириб, кейин бу ерга ташлаганини айтди.

Гарифулин яна жигиллаб, Рустам Матмуродовга ёпишди. Ҳамманинг олдида уни уриб, қонга белади.

— Мана шу аблаҳ қилган бу ишни... Қани, ўзинг айт, ҳаммасини...

Унинг вазоҳатидан кўрқиб кетган Рустам нима дейрини билмай қолди. Аммо эртасига Қоровулбозордан она-отаси келгач, кечаги гапидан тониб, воқеани бўлакча изоҳлади.

"Ўша кунни (яъни 26 январь) биз 11 ларга яқин хожатхонадан чиқаётганимизда бош тарбиячимиз Р. Гарифулинга дуч келдик. У бизни хонасида бошлаб, негадир сабабсиз

қариндошларининг гумони ҳам Гарифулидан эди. Улар тўплаган барча маълумот ва далилларга эътибор берилса, бу мудҳиш воқеанинг сабабчиси у бўлиб чиқади. Мана ўша далил ва таҳминлардан энг характерлилари:

Отаси Самандар Исмоилов:

"Суннатни қасдданми ёки қутилмаган ҳолда ўлдириб қўйган Р. Гарифулин бу воқеанинг ягона гувоҳи бўлган Рустамни ўз хонасида қамаб қўйиб, ўликни интернатнинг ҳилват бир хонасида яширади. Кейин бориб Салимова болалар билан ўтирган хонага кириб, гўё қочок болалар воқеасини эшитади ва тарбиячини Рустам билан Суннатни топишга юбориб, уларни чалғитади. Улар интернатга қайтиб келгунча эса вақтдан ютиб, Рустамнинг калласига "Мен Суннат билан уришиб, уни урганимда қайгадир кетди" деган тўқимасини қўяди. Уни калтаклаб, агар ҳақиқатни айтсанг... деб кўрқитади. Рустам бунга кўнгандан кейингина уни хонасидан чиқариб юборади.

Бунни Рустамнинг гапи ва интернат бўйлаб уларни ахтаришганда йўғу, қайтганларида "осмондан тушган" Рустамни кўрган тарбиячи С. Салимова ва Б. Носировларнинг гувоҳлиги тасдиқлайди".

Қариндоши Фахриддин Исмоилов: "Р. Гарифулин воқеалар ривожланган сари пухталиқ билан иш юритиб, ўз қилмиши очилмаслиги учун янги уйдирмалари билан Р. Матмуродовни гуноҳкор қилиб боради. Суннатнинг кийимлари атрофдаги воқеа-ҳодисаларга синчковлик билан назар ташланганда ҳам бунга амин бўлиш мумкин. Трубага Суннат ич кийимлари билан (шим ҳам бор) ташланган. Сиймаганлигидан сугуриб олинган нарсалари аввалига интернатга яшириб қўйилган, узокроққа олиб кетилмаган. Чунки у яширган жойини ҳеч ким топа олмаслигидан кўнгли тўқ бўлган. Шу боис ҳам Суннатнинг йўқолишида биринчи бор Рустамни айблашда кийимлар ҳақида гап йўқ. Бирок, бир ҳафта ўтиб, биз яна туман ички ишлар бўлимига хабар беришга жўнаганимизда у нарсалар тақдирдан хавотирга тушиб қолади. Милиция ходимлари интернатни



МУҲАРРИРИЯТДАН:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б. М. Мустафоевга!

Ҳурматли Бўритош Мустафоевич!

Юқорида айтганимиздек, Рометандаги 26-мактаб интернатига қотиллик юз берди. Ўспирин Суннат Исмоиловнинг еш умри бевақт хазон бўлди. Янада ачинарлиси, Рометан тумани прокуратура-суд ходимлари томонидан бу фожеа очилмай қолди, саккиз ой ўтиб ҳам қотил топилмади. Бу эса ҳуқуқ-тартибот ходимларига бўлган кишилар ишончини сўндиради. Аслида, мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган болалар ҳуқуқларини янада кўпроқ ҳимоя қилишимиз, уларга жабр-зулм ўтказишга умуман йўл қўймаслигимиз керак эмасми! Бунда ҳуқуқ-тартибот ходимлари олдинги қаторда туришлари ҳам қарз, ҳам фарздор.

Ҳурматли Бош прокурор!

"Тонг юлдузи" газетаси таҳририяти кўп минг сонли муштарийлари номидан Сиздан илтимос қилади. Бу қонли воқеа сабаблари билан шахсан қизиқиб, "изсиз" қотил топилишида жабрдийдаларга ердам беринг.



Жаҳон болалар адабиёти намуналари

Хинд болалар адаби Аруп Кумар Датта қаламига мансуб "Козиранкадаги из" асари жониворларни асраш, уларни ўз манфаатлари йўлида қурбон қилувчи ёвуз кишиларга қарши аёвсиз курашиш руҳида ёзилган. Бунда ёзувчи болалар қаҳрамонлигини асарнинг бош мавзуси қилиб олади. Бу қаҳрамонликдан ҳар бир жониворларни сеувчи, улар дўсти, табиат ҳимоячиси бўлган ўспирин ўртак олса арзийди.

Бир қисми эътиборингизга ҳавола этилаётган қиссани одатдагидек, ўрис тилидан эмас, аслиятга яқин инглиз тилидан наманганлик ўқитувчи Раим МАМАСОЛИЕВ ўзгирган. Бу хайрли иш. Албатта, у илк тажриба бўлганлигидан камчиликлардан холи бўлмаслиги, табиий. Бироқ интилишларингизга мос бу қизиқарли асар Сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

ЎҒРИ ОВЧИЛАР

Қопқонга тушиб қолган ёввойи ҳайвоннинг шовқинидан тунги жим-житлик бузилди.

Қопқон қўйган ўғри овчилар қўл яқинидаги қапа ичида бекиниб ётардилар. Улар бошлиғи ташқарига чиқиб, қулоқ солиб турди.

Кейин илжайиб шериклари олдига кириб келди. "Каркидонни қўлга туширдик", деди у. Улар товуш чикқан томонга баланд ўтлар орасидан секин-аста юриб бордилар. Чуқурликка яқинлашган сари пишқирув овози кучаяр эди. Ўғрилар бошлиғи кўрсатмалар берди, одамлари сўзсиз бажаришга киришилди. Биринчи бамбук дарахти шохларидан синдириб, уларни ендирди ва чуқур олдига олиб келди. Ўғрилар машғала қилишдан чўчишар, ўрмон бошлиқлари ёруғликни сезиб қоллишлари мумкин эди. Каркидон чуқур ичида тинмай бошини атрофга урарди. Бу бефойда ҳаракат эканлигини тушунган ўғрилар унинг устидан қулдилар. Ўғрилар сиртмоқли арқон ясаб, каркидоннинг оёқ, бўйни, тумшугидан ўтказдилар. Каркидоннинг бор куч билан типирчилашига ҳам парво қилмадилар.

Арқоннинг учлари тепадаги катта тош учига боғланди. Ўғри бошлиғи енг шимариб ишга тушди. У катта узун личокни қўлига олиб чуқур ичига тушди. Каркидон устига миниб олиб, тумшуги устидаги шохни кесди.

Каркидон оғриққа чидай олмай, гужанак бўлиб, титрашга тушди. Қон унинг тумшугидан отилиб ётарди.

Тепага чикқан бошлиқнинг қўллари қон, секинчи юзида акс ётарди. Улар тезда кўздан ғойиб бўлдилар. Каркидон чуқурда қолди. У энди ўлади. Эрталаб катта қора қузулар унинг танасини босишади.

СИР ОЧИЛИШИ

Данай, Бубул ва Жонтилар ёшгина филчасига миниб, Козиранкани томоша қилиш учун йўлга чикдилар. Ўн тўрт ёшли Данай болаларнинг энг каттаси эди. Унинг отаси Козиранка қўриқхонасида саёхатчилар бўлимида қаровчи эди. Кишлоғидаги уйда учта филчаси бор. Улардан бирининг номи Маххани. Данай унга жуда меҳрибон. Уни овқатлантиради, ювинтиради, гаплашади ва ҳар хил машқлар қилишга ўргатади. Улар бир-бирларини жуда севишади.

Эгизак Бубул ва Жонтилар яқинда ўн уч ёшга тўлдилар. Улар қишлоқ оқсоқолининг ўғиллари. Бубул ҳамма ишларни чап қўлида бажаради. Жонти эса ўнг қўлида. Учала бола ҳам қишлоқ мактабда бир синфда ўқишади. Ҳозир ёзги таътил пайти. Бугун эрталаб улар

қўриқхона ичидан тўғри ўтиб, Брахмапутра дарёсининг ўнг қирғоғига боришни кўзда тутдилар. Одатда қўриқхонада доим шовқин-сурон ҳукм сурур эди. Қушларнинг сайраши, чигирткаларнинг чирқиллаши, гоҳ-гоҳда каркидоннинг "хурхур"лашлари билан қўриқхона жонли қўринарди. Лекин бугун эрталабдан ҳайвонлар жим туришибди. Кийиклар ҳам оғир нафас олишар, кун бирдан исиб, дам берарди. Жануб томонда катта қора булутлар кўзга ташланарди.

— Биз бўрон бўлаётган томонга бораётганга ўхшаймиз, — деди Бубул.

— Ҳа, кучли бўрон туряпти, — деб маъқуллади Жонти. Данай Махханини тўхтатиб, осмонга қаради.

— Бу момақалдироқнинг гумбуллаши хатарли. Орқага қайтганимиз маъкул.

— Кўйсангчи, — деб рад жавоб берди эгизаклар.

— Ўзимизни ўйлаганим йўқ. Маххани тўғрисида хавотирланаямман... Бўрон бўлса доим у газабланиди, емгир унга ёқади, ҳозир эса чакмоқ чакмоқда, у ана шундан қўрқади.

Улар орқага қайтишди.

Яқин йўл билан кетиш учун тарқалмоқчи бўлишди. Шу орада Жонтининг кўзи катта қузуларга тушди.

— Ана, уни қара, — деб қичқирди Жонти чап томонини кўрсатиб. Юз метрча нарида катта қора қузулар галаси ерга қўнмоқда. Кўпчилиги эса пастлаб айланишиб учардилар.

— Менимча у ерда ёввойи ҳайвон ўлган бўлса керак, — деб гапирди Бубул.

— Юринлар, билалликчи, — деди Данай қузулар томонга Махханини буриб.

Улар яқинлашиши билан қузулар шовқин солиб, учиб кетишди. Улар Махханини чоғга янада яқинроқ ҳайдаб боришди. Болалар чуқур ичида гўшлари титилган, танаси қонга ботган каркидон ётганини кўриб, қўрқиб кетишди.

Аруп Кумар ДАТТА,
хинд адаби

КОЗИРАНКАДАГИ
ИЗ

ҚИССА

чиқайлик, — деб таклиф қилди Бубул.

— Ўғрилар тўғрисида бирор белги топишимиз керак. Ёмгирдан сўнг ҳеч қандай белги қолмайди. Шунинг учун биз ҳозирдан белгиларни топиб, уларни чегаралаб қўйишимиз керак.

— Тўғри айтасан, — деди Данай уни гапини тасдиқлаб, — Тезроқ бўлинглар, осмон қоронғилашмоқда, Маххани ҳам безовта.

Болалар уч томонга қараб юриб, ерларни кўздан кечира бошлашди.

Учалалари ичида энг сезири Жонти эди. У биринчи бўлиб қичқирди:

— Эй, болалар, бу ёққа келинглар, мана бунини кўринглар.

У болаларга тезак устида босилган қадам изини кўрсатди.

— Фақат оёқ изими? — деб ҳайрон бўлди Данай.

— Ўғрилардан бири тезакни босиб ўтган.

— Бу из билан ўғрини аниқлай олмайсан.

— Яқинроқ кел, — деди Жонти қўли билан уни кўрсатиб.

— Бу ўнг оёқ изи, бунини катталигини қара-я! Шериклари ҳам ҳайрон бўлиб қолди.

Ерга тикилишиб улар олдинга юра бошладилар. Жонтининг ўтқир кўзлари яна иккита ўшанга ўхшаш оёқ изига тушди.

— Ким бўлса ҳам каркидоннинг тезагини босиб кетган. Ўнг оёғига бироз латта ёпишиб қолган.

— У кетаётганда қуруқ ерда из қолдириб кетган. Учала излар ҳам бир-бирига ўхшаш. Ҳаммаси ҳам катта оёқ излари. Шундай эмасми? — деди Жонти шерикларига.

— Ўғрилардан бирининг ўнг оёғидан из қолган, — деди Данай ва Бубуллар эслаб қилишга ҳаракат қилиб.

— Жуда соз, бу воқеанинг асосий далили, — деди Бубул.

Бўрон уларнинг тепасига келиб қолди. Жануб томондан кучли шамол ёмғир аралаш кела бошлади.

— Тезроқ, — деб қичқирди Данай.

(Давоми бор).



Давлатимиз мустақиллигининг 1 йиллиги арафасида унинг бағрида илк бор шаклланган Алишер Навоий номи билан аталмиш нафис санъат мактаби ҳам бир ёшга тўлди.

Бугунги вазият ёшлар тарбиясига янгича ёндошишни тақозо этмоқда. Чунки, ҳозирги ёшлар эртанги кун ташкилотчилари, раҳбарларидир. Улар илғор тажрибаларни, дунё миқёсида қўлга киритилган ютуқларни ҳаётга тадбиқ қиладиган кишилардир.

Ана шунинг учун ҳам ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида мактаб, маданият, санъат, мафкура соҳасидаги тангликлар илдизи очиб берилмас экан, эркин фикрли, юқори савияли мутахассислар тайёрлаш ҳақидаги гап гаплича қолаверади.

Бундай нозик муаммоларнинг ечилиши, аввало, мактабдан, қолаверса, болалар боғчаларидан бошланмоғи мақсадга мувофиқдир.

Кези келганда шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, республикамизда ўзбек халқ



амалий безак санъати ва тасвирий санъатни назарий ва амалий жиҳатдан мукаммал ўргатадиган махсус мактаб йўқ. Саноклигина санъат мактабларида ёки мактабдан ташқари муассасаларда санъатнинг фақат амалий жараёни ўрганилади, холос. Шунинг учун ҳеч бўлмаганда битта мактабда ягона соҳани, жумладан, халқ амалий санъати тарихий жиҳатдан мукаммал ўргатадиган махсус мактабининг шаклланиши ва унинг келажаги ҳар томонлама ишлаб чиқиши алоҳида аҳамиятга эга.

Тўғри, биз Жумҳурият нафис санъат мактабиде айрим ишларни амалга оширдик. Бу ерда битта санъатшунослик синфи бор. Санъатнинг қайси бир тури бўлмасин уни ўрганиш мураккаб жараён, шунинг учун ҳам менинг таклифим — ўқувчи имкониятининг асосий қисми мутахассисликка қаратилмоғи даркор. Яна бир нарсаси — бу мактабдагидек ўқувчиларни 8-синфдан эмас, 5-7-синфлардан бошламоқ мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Энг муҳими, бу мактаб "Нафис санъат бадий академияси"га айлантирилса. Бу бадий академия жумҳурият президентлиги қошида бўлиб, табақалашган ҳолда шаклланган мактабдан дорулфунунгача бўлган жараёни ўз ичига қамраб олса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мавзу мактабда нафис санъатни ўрганиш ҳақида кетар экан, Дени Дидронинг ушбу сўзларини эсламасдан ўтиб бўлмайди: "Қайси миллат ўз болаларининг расм ишлашларини худди ўқув, ёзув ҳам ҳисоблаш даражасига кўтарар экан, у фан, санъат, ва ҳунармандчиликда бошқа халқлардан ўзиб кетади".

Дарҳақиқат, биз болаларимиздаги санъатга бўлган иштиёқни ҳар томонлама ҳисобга олмас эканмиз, келажақ олдида жавобгар бўлиб қоламиз.

Н. ОЙДИНОВ,
фалсафа фанлари номзоди.



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Тахрир ҳайъати:

Т. КАРИМОВ, А. КҮЧИМОВ, М. ПИРМАТОВ
(масъул котиб), М. РАҲИМБЕРДИЕВА,
Д. ТУРАХМЕТОВА, В. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КҮМИТАСИ

Бизнинг манзилгоҳимиз:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083,
ЛЕНИНГРАД КҮЧАСИ, 32-УЙ.

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.

Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй

Чоп этиш вақти — 18.00.

Буюртма № Г-27. Нашр кўрсаткичи 64563.